

## Илмга роҳат билан эришиб бўлмайди



08:00 / 07.08.2020 1645

Имом Заҳабий «Тазкирот ал-ҳуффо» асарида жарҳ ва таъдил илми соҳиби Ибн Абу Ҳотим ҳақида шундай дейди: «Мисрда етти ой турдик. Шу вақт ичида бирор марта суюқ овқат ичмадик. Кундузларимиз шайхлар мажлисига, тунларимиз эса эшитганларимизни кўчиришга тақсимланган эди. Бир куни бир шайхни бемор деб эшитиб, шеригим билан кўргани бордик. Йўлда бозорга кириб, бир ажойиб балиқ сотиб олдик. Уйга борганимизда дарс вақти бўлиб қолган эди. Шунинг учун балиқни пишира олмадик. Дарслар билан бўлиб, уч кунгача балиқни пиширишга қўл тегмади. У ўзгариб, айний бошлагач, шу ҳолида ейишга мажбур бўлдик, чунки уни қовуришга ҳам вақтимиз бўлмади. Ҳа, илмга жасаднинг роҳати билан эришиб бўлмайди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**